

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

Кўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 336.51:336.5(575.1)

МАМАТОВ ЖАҲОНГИР КАМОЛ ЎҒЛИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

70310102– “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги
бўйича

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган


ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: профессор С. Жўраев

ТОШКЕНТ – 2023


Магистрлик диссертацияси “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки
химоядан ўтган. 26 -сонли баённома « 24 » 04 2023 йил.

Илмий раҳбар: профессор С. Жўраев



имзо сана


Магистр: Ж. Маматов



имзо сана

Диссертация иши Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 17 ” 05
№ 1/06 рақами билан рўйхатга олинган.

“Химояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 

“ 3 ” май 2023 йил

Химоя 2023 йил “ 17 ” 05 соат 10⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Аннотация

Тижорат банк фаолияти молиявий барқарорлиги миқдор жихатдан баҳоланган бўлса, янги асрга келиб ушбу услубиятларни ўзгартириш заруратини кўрсатиб бермоқда. Ўз навбатида, банк молиявий барқарорлиги рискларни максимал даражада минималлаштириш билан ўлчанади. Бу эса, тижорат банк рискларини янада мураккаблик касб этаётганлиги, биринчидан, жаҳон иқтисодиётининг янада чуқур интеграциялашувининг ривожланиши, иккинчидан, рақамли технологияларни молиявий хизматлар бозорига жадал кириб келиши билан ўз аксини топади.

Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги барча операциялар банклар орқали амалга оширилади ва албатта бу операцияларда рисклар юзага келади. Тижорат банклари фаолиятида максимал даромадга эришишни аниқ мақсад қилиб бажарилаётган рискли операциялар натижасида албатта даромадга эришилишига олиб келади ва бу банк бошқарувининг қабул қиладиган қарорларига айниқса боғлиқдир.

Ушбу магистрлик диссертация ишида тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳоланишнинг иқтисодий асослари ва Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида кредитларидан фойдаланишни бошқариш амалиёти ва уларнинг замонавий ҳолати таҳлили кўриб чиқилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш фаолиятида юзага келадиган рискларни камайтириш истиқболлари бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, акциядорлик тижорат банклари, рисклар, банк молиявий барқарорлиги, интеграциялашув, кредитлар.

Abstract

If the financial stability of commercial banking activity is evaluated quantitatively, it shows the need to change these methodologies by the new century. In turn, the bank's financial stability is measured by minimizing risks to the maximum extent. This is reflected in factors such as the fact that commercial banking risks are becoming more complex, firstly, the development of deeper integration of the world economy, secondly, the rapid penetration of digital technologies into the financial services market, and thirdly, the need to research behavioral economics.

Today, all operations in the economy of developing countries are carried out through banks, and of course risks arise in these operations. Risky operations carried out with the specific goal of achieving maximum profit in the activity of commercial banks will necessarily lead to profit, and this is especially dependent on the decisions taken by the bank's management.

In this master's thesis, the economic basis of evaluating the effectiveness of the use of loans of commercial banks and the practice of managing the use of loans in commercial banks of the Republic of Uzbekistan and the analysis of their modern state are considered. At the same time, practical proposals were given on the prospects of reducing the risks arising in the activity of evaluating the effectiveness of the use of loans of commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: commercial banks of the Republic of Uzbekistan, joint-stock commercial banks, risks, bank financial stability, integration, loans.

М У Н Д А Р И Ж А

I БОБ.	КИРИШ.....	7
1.1.	Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	7
1.2.	Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	9
1.3.	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	10
1.4.	Тадқиқот объекти ва предмети.....	10
1.5.	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	11
1.6.	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
II БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	13
2.1.	Адабий манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	13
2.2.	Тадқиқот гипотезаси.....	28
III БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	34
3.1.	Маълумотлар манбалари.....	34
3.2.	Тадқиқот дизайни.....	34
3.3.	Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	35
3.4.	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	36
3.5.	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	36
3.6.	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	37
IV БОБ.	ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР.....	39
4.1.	Тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш ва кредит рискларини баҳолаш.....	39
4.2.	Ўзбекистон тижорат банкларида кредитлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уни самарадорлигини баҳолаш.....	46
4.3.	Тижорат банкларининг кредит портфели ва улардан фойдаланишни яхшилаш.....	55
4.4.	Тижорат банкларига боғлиқ бўлмаган кредитлардан фойдаланишда рискларни пасайтириш йўллари.....	61
V БОБ.	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	77
5.1.	Тадқиқотнинг асосий илмий - амалий янгилиги ва натижалари.....	77
5.2.	Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар.....	78
5.3.	Келгуси тадқиқотчилар учун таклифлар.....	81
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	87

I БОБ. КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонида берилган 25-мақсади: “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш” талабларидан келиб чиққан ҳолда “Иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини автоматлаштириш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш. Бунда: молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимлари” ни жорий этиш масалалари белгилаб берилди¹.

Ҳозирги XXI асрда банк фаолиятининг янги босқичи ахборот даври ва иқтисодиётни рақамлаштириш бошланганлиги билан ифодаланади. Тижорат банк фаолияти молиявий барқарорлиги миқдор жиҳатдан баҳоланган бўлса, янги асрга келиб ушбу услубиятларни ўзгартириш заруратини кўрсатиб бермоқда. Ўз навбатида, банк молиявий барқарорлиги рискларни максимал даражада минималлаштириш билан ўлчанади. Бу эса, тижорат банк рискларини янада мураккаблик касб этаётганлиги, биринчидан, жаҳон иқтисодиётининг янада чуқур интеграциялашувининг ривожланиши, иккинчидан, рақамли технологияларни молиявий хизматлар бозорига жадал кириб келиши, учинчидан, хулқ-атвор иқтисодиётининг тадқиқ этилиш зарурати каби омиллар билан ўз аксини топади.

Жаҳон банкнинг маълумотларига кўра, “молия сектори томонидан тақдим этилган маҳаллий кредитларнинг ЯИМ га нисбатан улуши 1960 йилда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5841063>.